



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги наشري

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 11 сентябрь № 36 (316) ● Сотувда нархи эркин

## ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

«Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори ўринбосари, Банк кенгаши раиси М. Махмудов очди ва кун тартибига кўйилган масалаларни тасдиқлашни сўраб мажлис ахлига мурожаат қилди. «Алоқабанк» бошқаруви раиси К. А. Кимга сўз берилди.

Ўтган давр банк учун унумли бўлди. 1997 йил, 29 ноябрдаги умумий йиғилиш белгиллаган 250 млн. сўмлик Низом фонди 1998 йил 1 август кунига уддаланди. 100 млн. сўмга оширилган Низом фондини тўлдиришда алоқа корхоналари ўзларининг беминнат ёрдамларини аямдилар. 53,2 млн. сўмлик маблағ акциядорлар ҳисобидан бўлса, 46,8 млн. сўми юридик шахслар (алоқа корхоналари) дивидендлари ҳисобидан қопланди. Шу боис йиғилиш олдига кўйилган асосий масала — Низом фондини 500 млн. сўмга етказиш тўғрисида акциядорларнинг розилигини сўраш эди. Бозор иқтисодиёти жараёни кун тартибига янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу муаммолар ўз вақтида ижобий ҳал қилинмоғи лозим. Акс ҳолда қийин аҳволга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бунга Россия банкларида кечаётган воқеалар мисол бўла олади.

«Дойче Банк» (Франкфурт,

Германия), «Чейз Манхэттен Банк» (Нью-Йорк, АҚШ), «Связь Банк» (Россия), «Авал Банк» (Украина), Қозоғистон халқ жамғарма банки (Қозоғистон) каби хорижий банклар билан ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Алоқабанк» томонидан 196920 минг сўм даромад олинди. Банkning сафарбар этилаётган ресурслари 1998 йилнинг 1 январидан 1998 йилнинг 1 июлигача 562 млн. сўмдан 883 млн. сўмга ўсди ёки 1,5 баробарга кўпайди. Банк капиталининг ўсиши 287 млн. сўмни ташкил қилди. Мавжуд ресурсларнинг 299 млн. сўми кредитлашга, 263 млн. сўми ДҚМО (давлат қисқа муддатли облигациялари)га, 8,8 млн. сўми инвестициялашга йўналтирилди. Банк ҳозирги кунда 365 миқозга хизмат кўрсатмоқда, улардан 95 таси алоқа корхонасидир.

Нотиқ ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири — банк биносининг йўқлигини эслатиб, «Тошкент почтамати» ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда ХЖ биносини банк учун мослаштириб таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини айтиб ўтди. Умумий харажатларнинг учдан бир қисмини ўз зиммасига олаётган «Тошкент почтамати» ХЖ ва бошқа алоқа корхоналарига миннатдорчилик изҳор этди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимади. «Алоқабанк» биноси неча йиллардан бери сабрсизлик билан кутилмоқда.

Мажлисда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алижон СОБИРОВ


«Тошкент почтаси» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида Мустақиллик байрамининг етти йиллиги ва янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ишчи ва хизматчи ходимларнинг фарзандларига байрам дастурчони ёзилди.

## БОЛАЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

Тантанада болалар шеърлар, кўшиқлар ижро этишди. Компьютер ўйинлари бўйича мусобақа уюштирилди. Байрамда асосий эътибор мактаб оstonасига эндигина қадам қўяётган

саба уюшмаси кўмитаси раиси Галина Шилиянова ва бош мутахассис Надежда Ермолаева билан катта ҳисса қўшдилар.

А. ХАЙДАРОВ



Наил КАЙСАРОВ 1997 йили Тошкент Давлат техника университети Бошқарувнинг автоматик тизимлари факультетини тугатган алоқачилик касбини танлади ва «Тошкент телеком» ҳиссадорлик жамиятининг Янги-Бозор филиалига дастурчи-муҳандис бўлиб ишга кирди. Ёш муҳандис жамоа ишончини оқлаб, сидқидилдан маҳнат қилмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ЯНГИ АЛОҚА БИНОСИ ИШГА ТУШДИ

Наманган шаҳрида алоқа хизмати маркази биноси фойдаланишга топширилди. Натижада аҳолига катта қўлайлик яратилди. Янги бинода шаҳарлараро марказий сўзлашув ва миқозлар бўлими, телеграф, факс, телефакс, шаҳар радиоэшиттириш тармоқлари жиҳозлари, телефон аппаратларини таъмирлаш хоналари жойлаштирилган. Бундан ташқари, «Наманган телеком» ҳиссадорлик жамияти, шаҳар телефон тармоқлари филиали маъмурияти ҳам ушбу 3 қаватли шинам бинога кўчиб ўтди.

## НУРОБОДДА АТС ҚУРИЛДИ

Наманган шаҳар, Давлатобод туманидаги аҳоли зич яшайдиган Нуробод даҳасида алоқа хизмати тубдан яхшиланадиган бўлди. Маҳалла ҳудудига Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида бунёд этилган 1200 рақамли электрон телефон станцияси ишга туширилди. Янгиликни миқозлар қувонч билан қарши олишди.

Ҳ. НУРМАТОВ,  
«Наманган телеком»  
ҳиссадорлик жамияти Бош директори ўринбосари

● Матбуотда «Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

● Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Жаҳон иқти-

дати тугагунча ишлаверишини таъкидлади. Бирок, 2000 йилда бўладиган Президент сайловларида ўз номзодини қўймоқчи эмас.

● Озарбойжон Президентининг лавозимига номзодларнинг мамлакат телевидениеси орқали чиқишлари бошланди. Бу чиқишларда

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАВАРЛАР

содиёти ва дипломатияси университетига турли ўқув қўлланмалари ва техника воситаларини совға сифатида тақдим этди. Шунингдек, элчихона томонидан шарқшунослик институтига ҳам ўқув қўлланмалари туҳфа этилди.

● Пойтахтимизнинг «Жар» спорт саройида Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро кураш мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақада 28 мамлакатдан 40 нафар «мана-ман» деган донгдор полвонлар қатнашди. Улар орасида Ўзбекистонлик 8 нафар полвонлар борлиги кишини қувонтиради.

● Россия Президенти Борис Ельцин халққа мурожаат қилиб, мамлакатдаги жиддий иқтисодий инқироз туфайли истеъфога чиқмоқчи эмаслигини айтди. У телевидение орқали суҳбатда ҳеч қачон кетмаслигини, ўз ваколат мудо-

номзодлар сайловчиларни ўз дастури билан таништирилади. Мамлакатда вужудга келган аҳвол бўйича ўз муносабатларини баён этади. Ҳар бир номзод учун етти соат пуллик ва шунча бепул эфир вақти ажратилган.

● Нигерияда барча тоифадаги давлат хизматчиларининг маоши 500 фоизга оширилди. Кузатувчиларнинг фикрича, шу вақтгача Нигерияда давлат хизматчиларининг маошлари жуда оз эди. Бу эса мамлакатда порахўрлик, таниш-билишчилик иллатларининг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

● Америкалик олимлар Ойда улкан муз қатлами мавжудлигини аниқлашди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоби бўйича Ер доимий йўлдошининг жанубий ва шимолий кутбларида 6 миллиард тонна муз жойлашган.

Ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган қадимий ва ҳамisha навқирон Бухоро мустақиллик йиллари янада раванк топди. Қадимий ёдгорликларга ёндош ҳолда янги, осмонўпар бинолар қад кўтарди. Бу ерда Нақшбандий, ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино каби кўплаб буюқ алломалар яшаб ижод этишган. Кўҳна шаҳарнинг шу кунги кувонч ва ташвишлари билан яшаётганлар орасида Бухоро давлат электралоқа корхонасининг захматкашлари ҳам бор.

Бухоро давлат электралоқа корхонасининг маъмурий биноси шаҳар марказида жойлашган бўлиб, замонавий бинонинг олд томонидаги мевали дарахт ва ишқомлардан иборат боғ ёзининг қайноқ тафтини бироз бўлсада сундиргандай эди. Ишқомлардаги узумлар кўёш нурида марвариддек товланиб, кўзни қамаштиради.

— Бу ерни боғ қилиш учун жамоанинг озмунча меҳнати сингмади, — дейди корхона бошлиғи Исафил Ридванович Чакидзе, — шур босган тупроқни икки марта бутунлай алмаштирдик, кейин эса ниҳол экиб, боғ барпо қилдик. Ходимларимиз богдаги мевалардан тушликда тановул қилишлари, дам олишлари мумкин. Қишда ҳам ходимларни ёз неъматлари билан таъминлаш учун корхона биносининг орқа томонида иссиқхона курганмиз. У ерда етиштирилган маҳсулотлардан озгина

бўлсада ходимларимиз баҳраманд бўлишяпти.

Бухоро электралоқа корхонаси республикамиздаги алоқа корхоналарининг олдинги сафларидан биридадир. Бунга мен корхонанинг иш фаолияти, алоқа хизмати сифати, алоқа техникаси жиҳозларининг саранжом-сарияталиги, аҳолидан тушаётган шикоятларнинг камлигини кўриб, ишондим.

«Бухорода аҳолига алоқа хизмати курсатиш савияси юқори ва иш юритиш наъмунали дара-

Бухоро шаҳрида шу йилнинг июль ойида Японияда ишлаб чиқарилган 20 минг рақамли замонавий автоматик телефон станциялари ишга туширилди. Натижада шаҳарнинг 5 ва 6-мавзелаарида яшовчи аҳолига сифатли алоқа хизмати курсатиш имконияти яратилди.

Шаҳарлараро алоқа телефон станцияси эса Япониянинг янги, сигими 5199 рақамга эга бўлган NEAX-61 станциясига алмаштирилди.

Бу ишларнинг барчасига кор-

Бухорода қадимийлик ва навқиронлик мужассамланганидек, электралоқа корхонасида ҳам бу ўз аксини толган. Тажрибали Исафил ака билан навқирон авлод, бош муҳандис Уроқ Тухтаев, шаҳар телефон станцияси бошлиғи Музаффар Жумаев, электралоқа хизмати бўлими бошлиғи Шариф Бозоровлар эл хизматида елкама-елка туриб фаоллик курсатмоқдалар.

Олот, Қорақул, Жондор, Қогон, Галасийв туманларидаги алоқа боғламаларида янги

## ҚАДИМИЙ БУХОРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ

жада йулга қўйилган. Бу ишлар ишлаб чиқариш корхонасидаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг юқори билими, малакали меҳнати ҳамда ўз ишига жонқуяриги натижасидир, — дейди Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ахборот технологияси ва хизматлари бўлими» бosh мутахассиси Эршод Юсупов, «ДЭУ-телеком» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ишлаган корхона 1995-1998 йиллари 1240628 минг сўмлик ҳажмдаги ишни бажарди. Бухоро шаҳрида Кореядан келтирилган алоқа ускуналари урнатилди. Телефон станциялари орасига 27 км. шиша толали кабел тортилди.

хона раҳбари Исафил ака Чакидзе бош-қошдир. Ўзбек юртида ушиб улгайган, ўзбекчани тожик шеvasи билан «тахлайдиган» грузин фарзанди, ёшига нисбатан серҳаракат, урта бўйли, туладан келган, Бухоро кўёшдан бугдой ранг олган инсон — Исафил Ридванович 1936 йили таваллуд толган, 1958 йилдан буён алоқа соҳасида захмат чекиб келади. 1965 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1982 йилдан бошлаб Бухоро давлат электралоқа корхонасига раҳбарлик қилмоқда.

NEAX-61 станциялари урнатилиб, синов ишлари олиб бориляпти. Бу туманлардаги станциялар шиша толали кабелга уланган бўлиб, яқин кунлар ичида ишга туширилади.

«Вилоятда амалга оширилган бу ишларда япон мутахассислари билан бирга Исоқ Исмоилов, Асад ва Уктам Қудратовлар, Яхшимурод Нуриллаев, Отамурод Итолмасовлар фаол қатнашди. Бу электралоқачиларнинг юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тўйига қўшаётган муносиб ҳиссаларидир», — дейди бош муҳандис Уроқ Тухтаев фахр билан.

Маҳмадали ТУРҒУНОВ

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси ўқув услубий ишлар бўйича директор



ўринбосари Альберт Сергеевич СМАРЦЕВСКИЙни муборак 60 ёши ҳамда мураббийлик соҳасида меҳнат қилаётганига 20 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сийхат-саломатлик ва алоқа мутахассислар тайёрлаш борасидаги хайрли ишларида юксак самара ва омад тилайди.

\*\*\*

«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамияти Шаҳрихон тумани почта шохбосчаси жамоаси бosh хазиначи Маҳарамхон АБДУРАХИМОВани тугилган кунини билан табриклайди. Унга узоқ умр, сийхат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилайди.



Тошагул ДУВЛАНОВА «Жиззах телеком» шуъба корхонасида 19 йилдан бери етакчи муҳандис бўлиб ишлаб келмоқда. Б. ТОШМАТОВ олган сурат

## БУВИМНИНГ ДУОСИ ҚЎЛЛАЙДИ...

— дейди «Иттифок» алоқа бўлими бошлиғи Мухаббатхон Шодмонова муҳбиримиз билан суҳбатда.

Унинг ҳаёти йўлига назар ташласангиз, олдингиз хайрон бўласиз. Чунки савдо билим юртини битирган Мухаббатхон бир кун ҳам савдо соҳасида ишламади. Пахтаобод почта тармоғида ишлаб, тажриба орттиргач, «Иттифок» алоқа бўлимида бошлиқ бўлиб иш бошлади. Шунга ҳам йигирма олти йил бўлибди.

У бошқараётган бўлим ҳудудида 2650 та хонадон бўлиб 1110 нафақачи бор Исмоилжон Назиров, Ҳасанбой Болтабоев, Фурқатжон Муминов сингари хабарчилар Мухаббатхон Шодмонованинг ҳар бир топшириғи ва курсатмасини қисқа муддатда, кунгилдагидек уддалашга одатланишган. Шунинг учун бўлса керак, бу алоқа бўлимида ойлик, чорак режалари ҳам ортиғи билан бажарилаётир.

Мухаббатхон Шодмонованинг оиласи, ибратли, тинч-тотув оилалардан. У турмуш ўртоғи Эркинжон билан аҳил, ҳамжихат яшаб келмоқда. Бир умр ўқитувчи бўлиб ишлаган Эркинжон яқинда нафақага чиқди. Маҳалладошлари қўрда-қўймай «Хайраобод-2» маҳалла йигини қўмитасига раисликка сайлашди. Бу оиланинг 6 нафар фарзанди бор.

«Онам 70 ёшдан ошдилар, бувим 92 ёшни қаршиладилар, уларнинг дуолари мени қўлламоқда», — дейди Мухаббатхон опа фахр билан. «Кариси бор уйнинг париси бор» — дейди халқимиз. Эркинжон ва Мухаббатхонларнинг файзли, ибратли хонадонига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Қўлдош ҲОЖИМАТОВ, жамоатчи муҳбиримиз, Андижон вилояти

## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ



«Ўзбекистон маркаси» очик турдаги акциядорлик жамияти қорақалпоқ шоири БЕРДАҚ таваллудининг 170 йиллиғига бағишлаб янги почта маркаси ва почта қарточкаларини муомалага чиқарди.

Бердақнинг жуда кўп лирик асарлари, поэмаларида қорақалпоқ халқининг XVIII ва XIX асрлардаги ҳаёти батафсил ёритилган. Унинг тарихий мавзуда ёзилган: «Айдос-бий», «Амангелди», «Ерназар-бий» поэмалари қорақалпоқ поэзиясининг ёрқин намунасидир. Нукус шаҳрида қўйилган ҳайкалда Бердақнинг чуқур ҳаёл оғушида турган қиёфаси тасвирланган.

Янги почта маркаси икки хил рангда безатилган. Нархи 15 сўм.

Маркадаги суратни В. Телегин ва С. Шариповлар чизишган.

## ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Абдусаттор ОРТИҚОВ! Сизни 12 сентябрь — тугилган кунингиз билан чин кўнгулдан табриклаймиз. Сизга сийхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларингизга муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин.

«ХАБАР» газетаси жамоаси

Муҳтарам Рустам ҚОСИМОВ! Сизни 13 сентябрь — тугилган кунингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз. Матбуот наشرларини халқимизга ўз вақтида етказиб беришда Сиз раҳбарлик қилаётган муассасанинг хизмати ғоят бекиб. Ана шундай эзу ва савобли ишларингизда Сизга кўк-қувват, соғлик, оилангизга эса тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

«ХАБАР» газетаси жамоаси

## БИЛАСИЗМИ?

ментлар радиоактив элементлар деб юритила бошланди.

\*\*\*

Радио тўлқинлари ёруғликка ва иссиқликка ўхшаш нурлар ёрдами билан тарқалади. Геометриядан бизга маълумки, лотинча «радиус» сўзи «нур» деган маънони билдиргани ҳолда «радио тўлқини» тушунчасига анча яқин туради. Бинобарин, «радио тўлқини» ибораси ҳам ана шу «радиус» сўзидан келиб чиққан.

А. АЛИЕВ тайёрлади





«Ўзбекистон» канали 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлинома»
8.40 «Қўяда, ёшгин!» Мусикий дастур.

17.00 «Ўзбектефелим» номийи этади.
«Фолбала» Премьера.
9.05 «Ўзбектефелим» номийи этади.
9.05 «Ўзбектефелим» номийи этади.

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Э» ва унинг дўстлари
хузурда.

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

Россия жамоат телевидениеси

19.00 Душаба кўни Поэвр билан «Биз» дастури.
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Эълонлар.

УзТВ-V

«Ўзбекистон» канали 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.25 «Аборт».

«Ўзбекистон» канали 1

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Дўраба тароналар.
9.05 «Ван-таракетт» нағди.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиланган.
10.05 «Алаб ва тахли».
10.30 Янги адибонинг ўргангани.

УзТВ-I

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Тенис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қўбуги учун V Халқаро турнири.

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Эди артак бошлана»

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00

Россия жамоат телевидениеси

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

УзТВ-V

«Ўзбекистон» канали 1
8.25 «Хоншаҳри бўмас адо». Мусикий дастур.
9.05 «Тўчи».
9.10 «Ўзбектефелим» номийи этади.

УзТВ-VI

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-I

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Тенис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қўбуги учун V Халқаро турнири.

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00

Россия жамоат телевидениеси

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

УзТВ-V

«Ўзбекистон» канали 1
8.25 «Хоншаҳри бўмас адо». Мусикий дастур.
9.05 «Тўчи».

УзТВ-VI

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

21.20 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.50 Сўраглар ва эълонлар.
22.00 Нафосат гушани.

УзТВ-I

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Тенис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қўбуги учун V Халқаро турнири.

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00

Россия жамоат телевидениеси

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

УзТВ-V

«Ўзбекистон» канали 1
8.25 «Хоншаҳри бўмас адо». Мусикий дастур.
9.05 «Тўчи».

УзТВ-VI

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

01.10 Тўғи севис «Ўйимга тенг олишув» (АҚШ).
02.40-02.45 Тўғи севис бўлиси!

ШАНБА 19

«Ўзбекистон» канали 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.25 «Аборт».

Россия жамоат телевидениеси

19.05 «Айурлигилари эслаб». Исаак Дунавский.
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00

Россия жамоат телевидениеси

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

УзТВ-V

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

01.05 «Аборт» (рус тилида).
01.05 Тўғи севис «Қарқочилар». Бадийий фильм.
02.55-03.00 Тўғи севис бўлиси!

ШАНБА 20

«Ўзбекистон» канали 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.25 «Аборт».

Россия жамоат телевидениеси

19.05 «Айурлигилари эслаб». Исаак Дунавский.
19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Мультишоша.
18.20 Ниғоз.
18.40 Муғлиний.

УзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.

УзТВ-IV

«Халққаро» телеканални
Россия жамоат телевидениеси
6.30 - 8.00

Россия жамоат телевидениеси

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиланган.
16.50 «Мультисайёра».

УзТВ-V

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион
Кўрсатув.